

Агар жамият
ҳаётининг танаси
иқтисодий бўлса,
унинг жони ва руҳи
маънавийдир.

Шавкат Мирзиёев



Кун нафаси



Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиллов Иордания Ҳосимийлар Подшоҳлигининг мамлакатимиздаги Фавкулда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Демия Зуҳайр Ҳадодни қабул қилди.



Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўринбосари – инвестициялар ва ташқи савдо вазири Сардор Умурзоқовнинг Туркия Республикаси вице-президенти Фуат Октай билан телеконференсалоҳа шаклидаги музокараси бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳри ҳокими Жаҳонгир Ортиқхўжаев Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Амра Фаҳмий билан учрашди.



Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги Халима Худойбердиева номидаги ижод мактабига Туркиянинг Ўзбекистондаги Фавкулда ва мухтор элчиси Мехмет Сурийя Эр, элчихонанинг таълим бўйича маслаҳатчиси Али Энопкожа, маданият ишлари бўйича маслаҳатчиси Алпарслан Акинжи ҳамда Туркия телевиденисининг бир гуруҳ вакиллари ташриф буюрди.



Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Баҳром Норқобилов мамлакатимизнинг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавкулда ва мухтор элчиси Улуғбек Мақсудов билан учрашди.



Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ.Бурхонов халқ таълими вазири Ш.Шерматовга сенатор сўрови юборди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан «Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо чораларини энгиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини такомиллаштиришга бағишланган тадбир ўтказилди.

Маҳмуд Истамов Бухоро вилоятининг прокурори этиб тайинланди.

«Узмилийбанк» АЖ Бошқарувининг кенгайтирилган йиғилишида 2020 йил натижалари ва 2021 йил учун белгиланган истиқболли режалар муҳокама қилинди.

Наманган вилояти



Фестиваль



1500

НАФАРДАН ОРТИҚ АЁЛНИНГ МУАММОСИ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Наманган шаҳрида «Аёл дунё беази, меҳр-муҳаббат рамзи!» шиори остида «Аёллар фестивали» бўлиб ўтди.

Тадбир доирасида касб-хунарга ўқиш истагида бўлган хотин-қизларни ўқув курсларига жалб қилиш ҳамда уларни «Даштбо» кичик зонасида фаолият юритаётган корхоналар билан яқиндан таништириш, мавжуд бўш иш ўринларига ишга жойлашиш истагида юрганлар учун махсус ярмаркалар ташкил этилди.

Дастлаб улар «Наманган тўқимачи» корхонаси фаолияти билан яқиндан таништирилди. Корхонага «Давлатобод», «Янги тонг», «Умид», «Порлоқ»,

«Навбахор», «Тўқувчи», «Муствақиллик» маҳаллаларида яшовчи 400 нафар хотин-қиз ташриф буюрди ва бу ерда ишчиларга яратилган шароит ва иш жараёнига гувоҳ бўлишди.

Бундан ташқари, махсус ярмаркада «Наманган пахта текс» корхонаси ҳам «Шишаки», «Юқори Ровустон», «Куйи Ровустон», «Бор», «Ирвадон» маҳалладан 350 нафардан зиёд ишсиз аёллар учун 302 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Куннинг биринчи ярмидаёқ 152 нафар хотин-қиз билан меҳнат шартномалари тузилди.

Пахта толасидан ип калава ишлаб чиқарадиган бу корхонанинг келгусида мато ҳамда момик сочиқлар ишлаб чиқаришга ўтиши билан яна юзлаб янги иш ўринлари яратилиши кўзланган. Демак, бу ҳудудда хотин-қизлар ўртасида ишсизликни бартараф этиш борасида катта қадам ташланади.

Наманган вилоят ҳокимининг молия-иқтисодий ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари, вилоят иқтисодий тараққийёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқар-

маси бошлиғи Толибжон Юсупов қатнашган ушбу ярмаркада у яқин олти ой ичида 4 минг иш ўрни яратилишини алоҳида таъкидлаб ўтди. Фестиваль доирасида 1,5 минг нафардан ортиқ аёлларнинг ижтимоий муаммолари ҳал этилди. Шунингдек, «Меҳр-3» операциясида вилоятга олиб келинган хотин-қизларга 50 та тикув машинаси, 50 та чангогич, 50 та микроўқинчи печ, 10 та музлатгич ва 10 та ногиронлик аравачаси ҳам топширилди.

Орзуғул РУСТАМОВА,
«ISHONCH»

Коррупцияни йўқота оламизми?

ҲАЛОЛ БЎЛСА ОТАЛАР, БУЮК БЎЛАР БОЛАЛАР

ishonch.uz тақдим этади!

Ечимини кутаётган муаммолар, одамларни қийнаётган дард-у ташвишлар, мутасаддиларни хушёрликка чорловчи «кўнғироқлар»...



«Қоп-қоп ваъдалар қачонгача?»



«Хароб мактаб ҳақиқатлари»

Таҳририятнинг янги лойиҳаси – «ISHONCH» NISHONIDA! барчасига ҳолис видео нигоҳ ташламоқда!

Бизни t.me/ishonchgz ҳамда facebook.com/ishonchgztda да ҳам кузатиб boring!

Фарғона вилояти



Қасаба уюшмаси қўмағида ХУРШИДАХОННИНГ ҚУВОНЧИ

Қува туманида яшовчи болаликдан иккинчи гуруҳ ногирони Хуршида Набиевага Фарғона вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тикув машинаси туҳфа қилди. – Тикув машина бўлишини жуда истардим, – дейди Хуршида Набиева. – Лекин қўлимда етарли маблағ бўлмагани учун олишга қурбим етмаётган эди. Энди тикувчилик қилиб бемалол рўзгор тебратаман. Мушқулминни осон қилган инсонларга, қасаба уюшмалари фидойиларига раҳмат айтаман.


Жамшид ЭРГАШЕВ,
«ISHONCH»

Хоразм вилояти

Ўзбекистон – туризм мамлақати. Нафақат хорижлик сайёҳлар, балки маҳаллий аҳоли ҳам умрида бир марта бориб кўрмаган манзиллар кўп. Ваҳоланки, тарихий гўшалар ва табиат қўйнига тез-тез саёҳат қилиб туриш кишига руҳий ва маънавий саломатлик, тетиклик бахш этади. Кейинги йилларда қасаба уюшмалари «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» шиори остида ташкил қилаётган саёҳатлар айнан шу мақсадга йўналтирилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Тадбир

Ички туризм қандай ривожланишти?



Хоразм вилоятида Ичан қалъадан ҳам бошқа диққатга сазовор гўшалар таллайгина. Фақат улар ҳақида аҳолининг хабардорлиги кам. Қолаверса, айрим манзилларда қулай инфратузилма яратилмаган.

Хоразм вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида вилоят туризмни ривожлантириш департаменти билан ҳамкорлик меморандумини имзолаш жараёнида шу каби қатор таъқидий фикрлар ҳам билдирилди. Ички туризмни ривожлантириш бўйича тақлифлар берилди. Қасаба уюшма аъзоларини мунтазам равишда юртимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳатга олиб чиқиш, бунда маҳаллий сайёҳларнинг ҳар бир дақиқаси унумли, эсда қоларли кечини таъминлашга келишиб олинди.

– Нафақат сайёҳлик масканидаги, балки ўша манзилга бориб-келиш учун транспортда ўтадиган вақт учун ҳам махсус дастурлар қилишимиз, ҳар бир саёҳат ходимлар хотирасида бир умр муҳрланиб, ажодларга муносиб фарзандлар тарбиялашга рағбат ва масъулият ҳиссининг оширилишига эришишимиз лозим, – деди Хоразм вилояти қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эргаш Юсупов.

Мазкур меморандум доирасида эко-туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси қошидаги «Қасаба саёҳат Хива» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда Тошкент вилоятидаги «Чорвоқ», «Амирсой», «Чимён», «Оқ тош», Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятидаги эркин туристик зоналарга, вилоятдаги Қалажиққалъа, Тупроққалъа ва Амударё бўйларига қасаба уюшма аъзоларининг саёҳатларини ташкил қилишга ҳам келишиб олинди.

Шу кунги Хоразм вилояти туризмни ривожлантириш департаменти томонидан Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши, Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси билан ҳам ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Таъкидланганидек, ёшларнинг мамлакатимиз бўйлаб саёҳатларини ташкил қилиш уларнинг маънавий-руҳий камолотида муҳим аҳамиятига эга, шу боис ушбу масалага янада масъулият билан ёндашиш лозим.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА,
«ISHONCH»

ҚУШДЕК ХАРАЖАТ БИЛАН ТУЯДЕК ДАРОМАД...

«АЯМНИ ОЛИБ КЕЛИНГ...»

СИЗ ИСТАГАН АДОЛАТ... БОР!

Ўқуқий маслаҳат

БОШҚА ИШГА ЎТДИМ. АММО ҲУЖЖАТЛАРИМНИ ОЛОЛМАЯПМАН...

— Бошқа ишга ўтганим муносабати билан ишлаб турган ишхонадан мен билан ҳисоб-китоб қилишиб, ҳужжатларимни беришларини сўрадим. Бироқ, мен ишда фойдаланган қурилма носозлиги, уни бартараф этмаганимча талабим ба- жарилмаслигини маълум қилишди. Улар ҳаққими?

Гулрух ИСОМУРОВА
Бёвут тумани

— Меҳнат кодексининг 108-моддаси талабига кўра, меҳнат шартномаси бекор қилинган куни иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтари ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт. Шунингдек, Меҳнат кодексининг 110-моддаси талабига кўра, меҳнат шартномаси бекор қилинганда, ходим билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиниши лозим. Бироқ, МКнинг 198-моддасида ходим томонидан иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий зарарни



тўлаш шартлиги белгиланган шарт. Шунингдек, Меҳнат кодексининг 110-моддаси талабига кўра, агар етказилган зарарнинг ходимдан ундирилиши лозим бўлган суммаси унинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошиб кетса ёки зарар аниқланган кундан кейин бир ойлик муддат ўтган бўлса, зарар суд тартибда ундирилади.

МУКОФОТЛАР МЕЪЁРИ БЕЛГИЛАНГАНМИ?

— Ходим йилда бир мартаба моддий ёрдам олиши ёки мукофотланиши қатъий меъёрлар билан белгиланганми? Бу меъёр ўқитувчи бўлиб ишловчи ходимларга ҳам тааллуқлими?

Нилуфар ШЕРБЎТАЕВА
Гулистон шаҳри



— Ходимларга йилда бир мартаба моддий ёрдам бериш ёки уларни мукофотлаш корхона касба уюшма кўмитаси ва иш берувчи ўртасида тасдиқланган жамоа шартномасининг тегишли қисмида,

шунингдек, мазкур корхонанинг юқори турмуш идораси томонидан алоҳида ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатларда белгиланади. Мазкур ҳужжатларга кўра, ходимга иш берувчи ҳисобидан ёки касба уюшма кўмитаси ҳисобидан ажратилиши мумкин бўлган моддий ёрдамлар ёки рағбатлангирларнинг йил давомида неча мартаба ҳамда қанча миқдорда берилиши аниқ белгиланади.

МУРОЖААТИМ КЕЧИҚДИМИ?

— Ишдан бўшатилиш қароридан норози бўлиб судга мурожаат қилдим. Бироқ, орадан икки ой мuddат ўтгани учун суд талабимни қондирмади. Улар ҳаққими?

Шавкат ХОЛБОЕВ
Бекобод шаҳри



— Меҳнат кодексининг 270-моддасида меҳнат нисосини ҳал қилишни сўраб мурожаат этиш мuddатлари белгиланган бўлиб, бунга кўра ишга тиклаш нисолари бўйича — ходимга у билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқнинг нусхаси берилган кундан бошлаб бир ой ичида мурожаат қилиниши лозим. Мазкур мuddат узрли сабабларга кўра ўтказиб

юборилган тақдирда, бу мuddат суд ёки меҳнат нисолари комиссияси томонидан қайта тикла- ниши мумкин.

РОЗИЛИГИМСИЗ БАДАЛ ОЛИНИШИ МУМКИНМИ?

— Ўқитувчи бўлиб ишлайман. Ойлик маошимдан партия аъзоллигига ушлаб қолишди. Суриштирсам, мактаб жамоасида партия бошланғич ташкилоти тузилибди. Менинг иштиро- ким, розилигим сўралмай шундай қилишлари мумкинми?

Гўзал АКРАМОВА
Бёвут тумани



— Ҳар қандай жамоат ташкилотларига аъзолик фуқаро- (ҳодим)нинг ихтиёрий рози- лиги асосида амалга ошири- лади ва худди шундай аъзолик бадаллари тўлови ҳам ходим

розилиги билан ушлаб қоли- ниши мумкин. Меҳнат кодек- сининг 164-моддасида ходим- нинг меҳнат ҳақидан унинг ро- зилигисиз ушлаб қолиниши мумкин бўлган ҳолатлар қайд этилган бўлиб, бунга кўра Сиз- нинг мурожаатингизда келти- рилган ҳолатда ойлик иш ҳақи- дан аъзолик бадали учун ходим розилигисиз ушлаб қолиниши меҳнат қонунчилиги талабларига зиддир.

ЙЎЛҚИРАДА ИМТИЁЗ БОРМИ?

— Мен нодавлат нотижорат ташкилотда ишлаб, республика- мизнинг узоқ ҳудудидан олиёй ўқув юртида сиртдан таълим оламан. Имтиҳон вақтларида сиртдан таълим олаётган ўқув муассасасига бориб келишим учун иш берувчи томонидан йўл- қира ҳақлари тўланиши имтиёз борми?

Гавҳар РАСУЛОВА
Мирзаобод тумани



— Меҳнат кодексининг 257-моддасида ўқув юрти жой- лашган манзила бориш учун ҳақ тўлашда имтиёзлар белги- ланган бўлиб, бунга кўра иш бе- рувчи олий ўқув юртида сирт- дан таълим олаётган ходимларга лаборатория-имтиҳон сессия- сида қатнашиш мақсадида ўқув юрти жойлашган манзила бо- риши ва у ердан қайтиб келиши учун йилига бир марта йўлқира- нинг эллик фоиздан кам бўлма- ган қийматини тўлайди. Шунин- гдек, диплом лойиҳаси (иши) тай- ёрлаш ва уни ёқлаш ёки битирув

имтиҳонларини топшириш учун бориб келинганди ҳам шундай миқдорда йўлқира тўланади. Саволларга Сирдарё вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими етакчи юристконсулти Санжар ТОҒАЕВ жавоб берди

Тошкент вилояти

Ишчи гуруҳ фаолияти

Аёл бахти ҚОҒОЗДА ҚОЛМАЙДИ

Қуйичирчиқ туманилик Мукаррам Тўраеванинг танасида калций етишмаслиги боис, суюқ емирилиши хасталиги билан оғриб келмоқда. Даволанай, тузукроқ шифокорга кўри- най деса, қўлининг калталиги панд бераётир. Рўзғор, бо- ла-чака деганларидек...



Ва ниҳоят... Унинг дардига малҳам топилди. «Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган манзилли тадбирлар»ни олиб бораётган ишчи гуруҳнинг амалий ёрдами билан М.Тўраева даволанадиган бўлди. Унга 33 миллион 880 минг сўм маблағ ажратилди.

Маълумот ўрнида қайд этиш лозим, Тошкент вилоятида 1 миллион 538 минг 750 нафар хотин-қиз бор. «Аёллар дафтари»ни шакллантириш давомида аниқланишича, 13 минг 430 нафар хотин-қиз ижарада, 7 минг 681 нафари қариндошларининг уйида, 222 нафари нотурар биналарда, 1192 нафар хотин-қиз эса ётоқхоналарда яшайпти. Шунингдек, рўйхатдаги

ассасаси қуришни режалаштирган. Ушбу режа амалга ошгач, ўн бешта иш ўрни яратилади. 125 нафар бола эса мактабга таълим масканига қамраб олинади.

«Аёллар дафтари»ни шакллантириш ва унга муаммоси бор аёлларни киритиш жараёнида ҳар бир маҳалла худудида жойлашган ижтимоий соҳа объектида «Аёллар маслаҳат кенгаши» учун хоналар ажратиш ва бу хоналарни тавсия этилган талаблар асосида жиҳозлаш талаб этилган. Шу муносабат билан вилоят ҳокимининг ташаббуси билан 1050 та «Аёллар маслаҳат кенгаши»га 10,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилган.

Уйма-уй юриш натижасида ҳар бир хотин-қизнинг муаммоси тоифаларга ажратилиб, рўйхатлар шакллантирилди. Албатта, улар шунчаки қоғозларда қолиб кетмайди. Тегишлилиги бўйича моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади. «Аёллар дафтари»ни шакллантиришдан кўзланган асосий мақсад ҳам шу аслида. Токи мамлакатда ёрдамга муҳтож аёл бор экан, бундай саъй-ҳаракатлар давом этверади.

Ғулмоджон МИРАХМОНОВ,
«ISHONCH»



Хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ажратган 1,5 миллиард сўм эъзизига Олтинсой тумани марказида «Oltinsoy ZIF» МЧЖ ташкил этилди.

340 нафар хотин-қиз ишли бўлди

Корхона раҳбари, тадбиркор Мансур Уташов касба уюшмалари ажратган имтиёзли кредитга Япониядан 150 дон тикув машинаси, дазмол, тикувчилик ускуналари харид қилди. Бугунги кунда ушбу корхонада «Тоғаймурод», «Мўминқул», «Ипоқ», «Хужасоат» каби маҳалларда яшовчи «Аёллар дафтари»га киритилган 300 нафар хотин-қиз тикувчилик билан шуғулланыпти. Бежирим ва сифатли маҳсулотлар ички бозорда сотилмоқда.

— Корхонамизда иш икки навбатда ташкил этилган, — дейди МЧЖ иш бошқарувчиси Ҳилола Ҳамиджонова. — Тикувчиларимиз учун барча қулайликлар мавжуд. Махсус кийим, иссиқ овқат уюштирилади. Ойлик иш ҳақларини ўз вақтида олишади. Ҳар бир тикувчи техника хавфсизлиги қоидалари бўйича махсус ўқув соатларида тегишли малака ҳосил қилган.

Яна бир мисол: касба уюшмаларидан 300 миллион сўм имтиёзли кредит олган ёш тадбиркор Гулрух

Пиримқулова туман марказида «Serdse mira» МЧЖ ташкил қилиб, нон ва нон маҳсулотлари ҳамда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу билан «Аёллар дафтари»га киритилган 40 нафар хотин-қизни доимий иш билан таъминлаб, уларнинг ҳар бирига ойига қарийб 2 миллион сўмдан иш ҳақи тўлаб келяпти.

— Айна вақтда Термиз давлат университетининг «Иқтисод» факультетида сиртдан таълим оляпман, — дейди МЧЖ раҳбари Гулрух Пиримқулова. — Касба уюшмаларининг имтиёзли кредитига Хитойнинг «AFEX» фирмасидан нон ва нон маҳсулотлари пиширадиган қурилмаларни харид қилдим. Ҳозирги кунда қилипчи нон, ширин қулча, 15 турдаги пишириқлар, торт ширинликларини тайёрлаб, Олтинсой ва Шўрчи туманларидаги дўконларга топширяпмиз.

Олтинсой қишлоқларида ишсиз ўтирган аёллар оз эмас. Уларнинг оилавий шароитлари туман касба

уюшмалари фаолиятни мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан ўрганилиб, рўйхати шакллантирилмоқда. Натижада, 525 нафар ишсиз хотин-қиз «Аёллар дафтари»га киритилди. Белгиланган чора-тадбирларга асосан уларнинг 15 нафари тадбиркорликка йўналтирилди. Ўтган йил тадбиркорлик рўйхатидан ўтган, лекин ҳозирда фаолият кўрсатмаётган 31 та корхонани туман ҳокимлиги ёрдамида тиклаш ҳисобига яна 250 нафар аёл иш билан таъминланади. Хотин-қизлар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 11 нафар аёлга тадбиркорлик билан шуғулланиши учун 263 миллион сўм кредит ажратиш чораси кўриляпти. Шунингдек, 210 нафар хотин-қиз ўзини-ўзи банд этаётган рўйхатига киритилиб, фойдали иш билан банд этилади. 50 нафар хотин-қизни касбларга ўқитилиб, ишга жойлаштириш режалаштирилган.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«ISHONCH»

Самарқанд вилояти



Самарқанд вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг Раёсат йиғилиши кун тартибига бу гал кўриб қилиш, хулоса ясаш, чора кўрилиши лозим бўлган энг долзарб масалалар киритилди.

Онлайн тарзда ташкил этилган йиғилишда дастлаб Самарқанд вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Бекзод Ўролбоевнинг ахбороти тингланди.

Раёсат йиғилишида қайд этилдики, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг VIII курултойи янгилиниш жараёнларини бошлаб берди. Энди «ура, урра»чилик билан эмас, масалага креатив ёндашувлар орқали кириб бориш керак. Фаолиятнинг энг «оқсоқ» жиҳатларига таҳлилий ёндашувлар зарур. Хусусан, «бизда-ку ишлар жойида, қуйи бўғинда аҳвол қандай», деган савол барчани қийнаб турмаса, фаолиятда ўнги- ланиш бўлмайди. Ютуқлар ўзимизники, уни минг оҳангга солиб, мадҳ этиш мумкин. Бироқ, ишни жиҳдиришга лоқайдик кўрсатаётганлар ҳам орамида йўқ эмас. Раёсат йиғилишида масаланинг айна шу жиҳатига алоҳида эътибор қара-

Ютуқлар ўзимизники, ...камчиликлар ҳам

тилди. Бу борада бирлашма мутахассислари ўртага ташлаган масалалар чуқур таҳлилларга асослангани билан киши эътиборини тортади. Масалан, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Булунғур тумани кенгашига йил давомида 200 та мурожаат бўлган. Уларнинг барчаси тегишлилик даражасида ҳал этилган. Бироқ кенгашнинг «Мурожаатларни қайд этиш дафтари»да бирорта ариза муаллифининг яшаш манзили қайд этилмаган. Албатта, бу мутахассис ёки мута- саддининг жузъий хатосидир. Аммо айна шу жиҳатнинг ўзиёқ мазкур йўналишдаги ишларни шубҳа остига қўймайми? Кўнгилда, бу мурожаатлар ростдан ҳам бўлганми, мурожаатчилар ростдан ҳам Булунғурда яшайдими, деган гумонли саволлар уйғотмайди...

Агрорасаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Булунғур тумани кенгашида ҳам мурожаатлар билан ишлаш чала-ярим ҳолатда. Кўриб чиқилган «Мурожаатларни қайд этиш дафтари»даги «натижаси» қайд этилганда, устунга факатгина ижро этилди, деган ёзув киритилиб, ариза ёпилган сана кўрсатилмасдан келинмоқда.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касба уюшмаси Булунғур тумани кенгаши қабул қилинган «Мурожаатларни қайд этиш дафтари»даги «натижаси» деган устунга 3/12 қарор, 3/13 қарор, деб ёзилган ҳолос. Бундан мурожаат қаноатлан- тирилганини ҳам тушунтириш берилганини ҳам англаш душвор. Давлат муассасалари ва жамоат хиз-

мати ходимлари касба уюшмаси Булунғур тумани кенгашидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш акс этган дафтари сўраб ҳам олиб бўлмаганини қандай баҳолаш мумкин?

Раёсат йиғилишида қайд этилганидек, касба уюшмалари тизимиде ишлаш мартаба эмас, масъулият. Жамоа ишонч билдириб сайладими, уни оқлаш керак. Лоқайдик эса... Аммо, афсуски, бундай ҳолатлар ҳам йўқ эмас...

Хусусан, Нуробод туманидаги 2-умумтаълим мактаби (касба уюшма кўмитаси раиси Р.Номозов) жамоа шартномаси экспертизадан ўтказилмаган. Боз устига, меъёрий ҳужжатга тегишли ило- валар мавжуд эмас. Меҳнатга ҳақ тўлашга оид локал ҳужжатлар ва уларни жорий этиш тартиби касба уюшмалари билан келишилмаган. Тунги вақтларда ишловчи ходимлар учун 1,5 баробар устама тўлаш белгиланган бўлса-да, амалда бажарил- масдан келинмоқда. Таассуфланарлиси, на тармоқ бошланғич ташкилоти, на туман кенгаши иш берувчи билан мазкур масалаларга оидинлик киритиб олмаган.

Агрорасаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Қўшрабат тумани кенгаши таркибдаги аъзо ташкилотлар сони ва тузилган жамоа шартномалар миқдорига ханузгача аниқлик киритиб олол- масдан келмоқда. Раёсат йиғилишида камчиликлардан холи бўлган ишларга тегишлича муносабат билдирилди. Эътиборли жиҳати, вилоятда амалда бўлган жа- моа шартномаларидаги аксарият бан-

Холис нигоҳ

длар ўз вақтида бажарилмоқда. Бир- гина меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоа шартномаларига киритилган 28537 та тадбир учун 83 485,2 минг сўм сарфланган. Ҳар бир ходим меҳнатини муҳофазалашга ўртача 198334,2 минг сўм миқдоридеги маблағнинг ажрати- лиши меҳнат ва меҳнатқаш қадрининг кундан-кунга юксалаётганидан дало- латдир. Худуд аҳлига ўтган йилда 1890 та имтиёзли касба уюшмалари сиҳат- гоҳларида дам олиш йўлланмалари ет- казиб берилган. Биргина ана шу мақ- сад учун касба уюшмалари қарийб 4 миллиард сўмга яқин маблағ сарфлади. 112 нафар меҳнат ва уруш фахрийлари, байналмилалчи жангчилар, олис ва чекка қишлоқларда яшовчи кам таъ- минланган оила вакилларига бепул сиҳатгоҳ йўлланмалари улашилди. Ка- саба уюшмалари ташкил этган «Тин- члик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик — бебаҳо неъмат» мавзуси- даги тадбирларда турли ташкилот- ларда ишловчи 10 минг нафардан ор- тиқ ёшлар қамраб олинди. Ижтимоий ҳаётимизнинг турли жа- бҳаларида хизмат қилаётган меҳнат- қашлар вакиллари меҳнат, ижтимо- ий-иқтисодий ва ҳуқуқий тарафдан ка- саба уюшмалари ҳимоясини ҳис этиб келишаётир.

Раёсат йиғилиши кун тартиби- дан ўрин олган барча масала- лар атрофлича муҳокама эти- либ, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»





Ечим излаётган муаммо

ҚОП (қишлоқ оилавий поликлиникаси) УЧУН ФАҚАТ ҚОП-ҚОП ВАЪДА(ми?)

Зафаробод туманида бундан бир неча йил муқаддам бошланган улуғвор ишларнинг ҳудуд кўринишини буткул ўзгартириб юборишига ҳатто зафарободликларнинг ўзлари ишонишмаган эди. Текис ва кенг кўчалар, кундузги заҳматли меҳнатдан кейин ҳордиқ чиқаришга мўлжалланган салқин хиёбонлар, замонавий архитектура асосида қуриб битказилган татлим-тарбия муассасалари, турар-жой бинолари туманга бутунлай янги кўриниш берди. Эндиги вазифа ана шу эзгу ишларни давом эттириш, туман марказидан узоқдаги маҳалла ва қишлоқларда ҳам шундай янгиланишларни босқич-ма-босқич амалга ошириш эди. Лекин...

ТУГАЛЛАНМАГАН ҚУРИЛИШ

Тумандаги «Нурафшон» шаҳарча фуқаролар йиғинига бориб, кўнглимиз хира бўлди. Боиси, шаҳарчада ободонлаштириш ишларига деярли эътибор берилмаган. Қишлоқ қишлоқлик кўнглида газ босими жуда паст. 13-қишлоқ оилавий поликлиникаси эса кўч-кўчдан безор.

ТАБИБНИНГ ЎЗИ ТАБИБГА МУҲТОЖ

Шу кунги коллеж биносида жойлашган поликлиника ҳам бориб кўрдик. Бу ерда хоналар иситилмайди. Эшикларнинг бири очилмас, иккинчиси ёпилмайди. Барча тиббиёт ходимлари биттагина хонада йиғилиб ўтиришбди, беморлар ҳам шу хонада қабул қилинмоқда.

Коридорга қўйилган шкафлар айқаш-уйқаш. Худди кўчишга ҳозирлангандай. Дори-дармонлар сақлашни талабга жавоб бермайди. Дорилар сақланаётган қутилар тартибсиз, қалашиб ётибди. ҚОПда жарроҳ, гинеколог, болалар шифокори ва умумий амалиёт шифокори етишмайди. Тиббиёт муассасида УЗИ аппарати йўқ. Замонавий тиббий ускуналар ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

МУТАСАДДИЛАР ҚАЧОНГАЧА БЕФАРҚ БЎЛИШАДИ?

Қишлоқ оилавий поликлиника мудир Эргаш Қултоев бу ҳолатга баъзур чидаб келаётганини таъкидлади. Боз устига, мутахассислар етишмаслигини айтиди. Гап орасида туя гўшти еган қурилиш ҳақида ҳам гапирди.

2020 йилнинг апрель ойида «Обод қишлоқ» дастури асосида поликлиника биноси қайта реконструкция қилина бошланди. Бундан нафақат тиббиёт ходимлари, балки «Писталикент» маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда «Нурафшон» шаҳарча фуқаролар йиғинида яшовчи аҳоли ҳам хурсанд бўлди. Афсуски, 9 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатадиган қишлоқ оилавий поликлиникасининг қурилиши ўлда-жўлда қолиб кетди.

– 2020 йилда туман ҳокими ўринбосари Қодир Ризаев ҳамда туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари билан биргаликда Нурафшон шаҳарчасида жойлашган 13-сонли қишлоқ оилавий поликлиникасини таъмирлаш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилди, – дейди «Янги авлод эко қурилиш» МЧЖ раҳбари Зокир Абдурашулов. – Шундан сўнг Жиззах шаҳридаги «Азиза» МЧЖ лойиҳа қурилиш сметасини тайёрлади. Жиззах вилояти қурилиш бошқармаси 1 миллиард 280 миллион сўмлик лойиҳани экспертизадан ўтказди. Ушбу маблағ «Обод маҳалла» дастурига ажратилган маблағдан тўлаб бериладиган бўлди. Шу кунга қадар қурилиш ишларининг қарийб 70 фоизи бажарилди. Бироқ дастурда белгиланган маблағнинг бир сўми ҳам ҳисобрақамимизга келиб тушмади. Бажарилган қурилиш ишларини ўз ҳисобимиздан қилганмиз.

– Мен ушбу поликлиникада ўттиз уч йилдан буён ишлайман, – дейди Мавжуда Худойназарова. – Хоналарнинг совуқлигидан соғлигимизни йўқотяпмиз. Ўзимиз тиббиёт ходими бўлиб, ўзимиз тиббий муолажага муҳтожмиз.

– Бу ердаги патронаж ҳамширалар, врачларнинг хизматидан кўнглингиз тўладими? – Карантин вақтида

– Бу ердаги патронаж ҳамширалар, врачларнинг хизматидан кўнглингиз тўладими? – Карантин вақтида

– Бу ердаги патронаж ҳамширалар, врачларнинг хизматидан кўнглингиз тўладими? – Карантин вақтида

– Бу ердаги патронаж ҳамширалар, врачларнинг хизматидан кўнглингиз тўладими? – Карантин вақтида

– Бу ердаги патронаж ҳамширалар, врачларнинг хизматидан кўнглингиз тўладими? – Карантин вақтида

– Бу ердаги патронаж ҳамширалар, врачларнинг хизматидан кўнглингиз тўладими? – Карантин вақтида

– Бу ердаги патронаж ҳамширалар, врачларнинг хизматидан кўнглингиз тўладими? – Карантин вақтида

– Бу ердаги патронаж ҳамширалар, врачларнинг хизматидан кўнглингиз тўладими? – Карантин вақтида

– Бу ердаги патронаж ҳамширалар, врачларнинг хизматидан кўнглингиз тўладими? – Карантин вақтида

Томорқачининг қосаси қачон оқаради?

Ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида камбағалликни қисқартириш, одамларни яхши яшашга ўргатиш, даромадини ошириш тўғрисида жуда кўп сўз юритилмоқда. Телеканалларда томорқалардан унумли фойдаланиш сирларини ўргатадиган кўрсатувларни айтмайсизми...

Аммо ҳолва деган билан оғиз чучимаиди. Ҳар бир ишнинг ўз машаққати, чиқими бор. Табиийки, ҳамма бошлаган ишдан даромад топишни, фойда кўришни хоҳлайди...

Ушовидан тушови қиммат(ми)? Таомилга кўра, иссиқхона қуриш учун банкдан тўғридан-тўғри кредит олиб бўлмайди. Иссиқхона эса фақат томорқа хизмати қуриб бериши керак. Айни пайтда бир сотихлик иссиқхона банк фоизи билан ўртача 7 миллион сўмга тушмоқда. Лекин...

Банклар назорати остида томорқа хизматлари қураётган иссиқхоналар ҳар доим ҳам ўзини оқламайпти. Биринчидан, газ, электр ҳаминқадар бўлган олис қишлоқларда иссиқхонанинг иситиш мушкул. Утин, кўмир деган матоҳ қишлоқ кунда анқонинг уруғига айланади. Иккинчидан, банк берган қарзни фоизи билан уч йил муддатда қайтариш зарурлиги ҳисобга олинса, сарф-харажат ҳаммаша ҳам ўзини оқламаслиги кундек равшан бўлади-қолади.

– Менга иссиқхонани мажбурлаб ташлаб кетишди, – дейди кўшкўпирлик Тожибой ака. – Кредитни тўлашга имконим йўқ. Боз устига, иссиқхонада ишлашга укувим йўқроқ. Банк қиставергач, иссиқхонани бошқа бировга ярим пулига сотиб юбордим. Қолган пулини энди ёнимдан тўлайман-да. Ҳисоб-китоб қилиб кўрдик, иссиқхонага кетган ҳамма хара-

жат 3,5-4 миллион атрофида бўлар экан. Агар 6 миллион сўм пулни банк ўзимизга берганда эди, шундай иссиқхонадан иккитасини қуриб олардик.

Мана гап нимада? Балки бу ҳақда ўйлаб кўриш керакдир?

ХАЗИНА «КЎЗИ» ҚАЕРДА?

Товуқ – етти хазинанинг бири. Сердаромад соҳа. Аммо бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак, деганларидек, бу сермашаққат ишни йўлга қўйишнинг ўзи бўлмайди. Оддий рўзгорда 1000-2000 та товуқ боқишнинг имкони ҳам йўқ-да. Бунча товуқ боқиш учун гектарлаб ер ва яшигина экин майдони бўлиши керак.

Бир латифа эсимга тушди. Бир одам гужум соясида оёғини чалиштириб, кўк чойдан ичиб ўтирса, кўшнисни келиб дебди:

- Сен ҳам бундай ётавермай, далага чиқ.
- Хўш, ундан кейин-чи?
- Помидор эк, четга экспорт қил.
- Кейин-чи?
- Пулни кўпайтир, фирма оч.
- Иннан кейин-чи?
- Кейин мазза қилиб, оёғининг чалиштириб ётасан...

– Ҳозир ҳам ётибман-ку! Ишлаб зарил келибдими, – деган экан.

Фойдаси бўлмагач, ишлагандан нима фойда?

ФОЙДАДАН ЗАРАРИ КЎП

Бир вақтлар қишлоқда яшайдиган аҳолига 12 сотихдан қўшимча томорқа ажратилган. Унга кўпчилик буғдой, ортидан жўхори (мол озуқаси учун) экади.

Ундан олинаётган ҳосил одамларни қанот-атлантиряптими? Келинг, уларни аста гурунгда тортамиз.

– Ўн икки сотих томорқамга кузак буғдой эқдим, – дейди кўшкўпирлик Сафарбой оға. –

ва учинчи ҳамда Бош прокуратурага қилинган муурожаатларидан сўнг масалани Самарқанд шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази раҳбарининг ўринбосари Шерзод Хударганов кўриб чиққан. 2020 йил 29 октябр кунини мактабдан 2 соатгина меҳнат фанидан дарс олиб берилган.

С.Ҳамдамова унга «Мен норозиман. Ҳеч бўлмаса, 6 соат қилиб беринг», дея илтимос қилган. Аммо у «Қаерга борсанг бор, ҳатто суд ҳам сенга ёрдам беролмайди. Шу 2 соатлик дарсдан ҳам қуруқ қоласан!» дея таҳдид қилиб, буйруққа имзо қўйдирган.

Унга С.Ҳамдамова текширув мобайнида топилган камчиликлардан нусха беринг, дея илтимос қилади. Аммо у ҳужжатларни бермасликка ҳаракат қилади. Кейин зўрга берган. Улар уйига келиб, қўшниларга

Оғриқ диллар...



ўқитса, бу – интернетда ишлайдиган икки нафар ўқитувчига тегишли ҳужжатлар экан...

Бу кўзи ожизларнинг устидан қулиши? Қани, ким ногиронларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилади? Қачонга олиш маълумотга эга бўлган ногиронлар сарсон бўлади?..

Ногиронларнинг дардини ёзиб олувчи: **Хонбиби ҚИММАТ қизи**, журналист

Самарқанд вилояти

Кўзи ожизлар нега сарсон?

Нодиржон Ҳушимов Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг мусиқа факультетини битирган. Аммо 2013 йилдан буён Самарқанд шаҳридаги 59-Кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатига ишга қиролмай сарсон-у саргардон...

Унинг турмуш ўртоғи Сарвинот Ҳамдамова ҳам олий маълумотли. 2016 йилда прокуратуранинг аралашуви билан 59-Кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатига «Кўл моторикаси» тўғраига раҳбар бўлиб ишга киради. Бир йилдан сўнг туғруқ таътилига чиқади. 2020 йилда таътилдан қайтгач, иш беришни чўзишади. Сўнгра директор Абдуҳалим Мейлиев зўрга 2 соат дарс ўтишга рухсат беради. Сарвинот Ҳамдамова 2013 йилда Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий Универси-

тетнинг фалсафа факультети психология йўналишининг магистратурасини тугатган. Дипломига «Амалий психолог» деб ёзилган.

2020 йил 24 сентябрда Президентнинг виртуал қабулхонаси уч маротаба муурожаат қилган. Унинг биринчи муурожаатини Самарқанд вилояти Халқ таълими бошқармаси ходими Оловуддин Очиллов кўриб чиққан. Муурожаат аризаининг иштирокисиз ёпилган. Унинг жавоб хатида Сарвинот Ҳамдамова штат қисқартирилгани тўғрисида бўшатирилган ёзилган. Сарвинотнинг иккинчи



«Танка» – ҳаммамиз севиб томоша қиладиган фильмлардан. Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси, киносценарист Муратбай Низанов қаламига мансуб «Танка» комедиясини суратга олиш осон кечмаган. Қўйида машҳур фильмнинг яратилиш тарихидан қизиқарли фактларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

1. БОШ ҚАҲРАМОН ЭРГАШ КАРИМОВ БЎЛИШИ КЕРАК ЭДИ

2000 йил бошларида Муратбай Низанов «Қатере» («Ҳомий») номили ҳикояси асосида «Танка» телестановкасини ёзади. Қизиғи шундаки, ўзбек тилида ёзилган комедиянинг бош қаҳрамони учун комик актёр Эргаш Каримов танланган эди. Лекин, сценарийни ўқиб чиққан Эргаш Каримов муаллифга: «Яхши ёзилибди, мириқиб ўқидим. Раҳмат сизга. Лекин хафа бўлманг, мен бу ролни ўйнай олмайман.

«ТАНКА» ҲАҚИДА ТҮРТ ФАКТ

Сабоби, одамлар мени жуда мактанчоқ бўлиб кетибди, деган фикрга бориши мумкин. Бошқа актёрга мослаб ёзиб кўрасиз», деб жавоб беради. Бу жавобдан ҳафсаласи пир бўлган муаллифда ушбу асар асосида киносценарий ёзиш ғояси пайдо бўлади.

2. АЛЛА ПУГАЧЕВАМИ ЁКИ РАЖ КАПУР?

«Танка»даги бош қаҳрамонлардан бири Баҳодир Муродовдан автокорхона бошлиғи ўғлининг тўйига Раж Капурни қақиртириб беришини илтимос қилган сюжетни барча яхши эслайди. Аслида, сценарийда «Алла Пугачёва» эди. «Ўзбекфильм» киностудияси директори Мурод Абдуллаев муаллифга: «Келинг, озгина ўзгартириш киритсак, сиз тўйга «Алла Пугачёвани олдириб берасан» дебсиз, у Раж Капур бўла қолсин!», дейди. Шундай қилиб, Алла Пугачёва Раж Капурга «айланиб қолади».

3. ШОМУРОД ОТАНИНГ ЙИҚИЛИШИ...

Фильмда Шомурод отанинг саҳнага чиқиб кетадиган сюжети ёдингиздадир. Саҳнада «Фариб Ошиқ» ижро қилинаётганда Шомурод ота жаллодлар найзасидан «қочиб», оркестр жойлашган чуқурликка йиқилиши керак эди. Аммо Шомурод ота ролини ижро этган актёрнинг кексалиги ҳамда унинг яқинда шифохонадан чиққанини ҳисобга олган ижодий жамоа унинг ўрнига «Ўзбекфильм»дан келган ходимни кийинтириб, чуқурликка «қулатади». Ушанда кўпчилик бечора йигитнинг «Вой, бошим» деб бақирганини эшитмайди.

4. ҲАҚИҚИЙ ТАНКА АЙЛАНИШИ...

Бадий кенгаш М.Низановнинг аввал киносценарий ёзмаганини ҳисобга олиб, унинг асарини моҳир сценариста ўқитиб олмақчи бўлади. Бу таклиф муаллифга ҳам маъқул тушади, аммо... «Тажрибали» киносценарист кўриб, ўзгартирган

«Танка»ни муаллиф охиригача ўқий олмайди. Чунки унда «Танка» ҳақиқий ҳарбий танк билан алмаштирилган эди. Сценарийда танк юриб келади, етиши ёшдаги кекса Шомурод ота эса мототциклда юрар эмиш...

– Мен бу фильмга муаллиф бўла олмайман, – деди М.Низанов киносценаристдан норози бўлиб... Кейинчалик маълум бўлишича, бадий кенгашнинг ўн бешта аъзоси маъқуллаган янги сценарийни фильм съёмкасига бош-қош бўлган М.Абдуллаевнинг ўзи ҳам ўқиб кўрмаган экан. У сценарийни ўқиб чиққач, унинг мазмуни умуман ўзгартириб кетганини, муаллифнинг норозилиги асоси эканини айтиди.

Шу тариқа, «Танка» киносценарийси ўз ҳолига қолади.

– Бу ердаги патронаж ҳамширалар, врачларнинг хизматидан кўнглингиз тўладими? – Карантин вақтида

– Бу ердаги патронаж ҳамширалар, врачларнинг хизматидан кўнглингиз тўладими? – Карантин вақтида

– Бу ердаги патронаж ҳамширалар, врачларнинг хизматидан кўнглингиз тўладими? – Карантин вақтида

Коррупцияни йўқота оламизми? ҲАЛОЛ БЎЛСА ОТАЛАР, БУЮК БЎЛАР БОЛАЛАР

Мулоҳаза, мунозара ва муҳокама учун мавзу



(Биринчи мақола)

ҲАҚИҚАТДАН УНГАН РИВОЯТ

Яқинда бир ривоят эшитдим. Мазмунини ҳикоя қиламан. Бир киши катта заминдорнинг қўлида боғбон бўлиб ишлайди. Замиңдор куз кунларининг бирида мевалари ғарқ пишган боғига шахрининг энг номдор ва обрўли одамларини чорлайди. Меҳмонлар жам бўлгач, мезбон боғбонни чақиради-да, энг сара узумлардан келтиришни буюради. Боғбон энг чиройли, энг сара узумларни узиб келади. Мева меҳмонларга тартилади. Узумлар нордон-рок чиқади. Мезбон боғбонни чақиради-да, узум ғўрроқ экан, дея тагин узум олиб келишни буюради. Боғбон яна бир бор узум келтиради. Буниси биринчидан-да кўркам, биринчидан-да рангдор, биринчидан-да сархил эди. Бироқ бу ҳам тахир чиқади. Бундан замиңдор мулаам тартади. Бой боғбонни четга чақиради-да: «Мен шаҳарнинг энг обрўли одамларини боғимга чорладим. Сенга энг яхши узумлардан олиб кел, десам ҳам икки бора тахир узум олиб келдинг, менда қасднинг борми?» дея жерқийди. Шунда боғбон жавоб беради: «Ҳожам, мен ҳақиқатан ҳам боғдаги энг сара узумларни териб келтирдим, лекин мен буларнинг мазасидан хабарсизман. Чунки менга боғни парварши қил, деб тайинлангансиз. Ундан топ деб айтмагансиз».

Ғоят таъсирли-а? Бу ҳалол инсон Имом ал-Бухорийнинг отаси шайх Асмоил ибн Иброҳим эди.

Энди савол туғиладики, табиий ва инсон ресурслари бўйича Сингапурдан хийла устунликка эга Ўзбекистон нега у эришган муваффақиятларга эриша олмаслиги керак?

«ЎХ-ҲҲ»ЛАРИМИЗ ЖУДА КЎП...

Энди ўзимизга назар ташлайман. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори Акмал Бурҳонов «Газета.uz» га берган интервьюсида айтишича, мамлакатимизда ўтган икки йилда 1986 нафар мансабдор шахс коррупциявий жиноятларни содир этгани учун жиноий жавобгарликка тортилган. Бош прокурор 2 йилда коррупциявий жиноятлар оқибатида этказилган зарар 2 триллион сўмдан ошганини айтди. Факт ва рақамларга эътибор қилин! 142 нафар вафот этган фуқаролар номига пенсия расмийлаштирилган. Мадааният вазирлигида 12 миллиард сўм бюджет маблағи ўмарилган. 2020 йилнинг ўтган ярим йиллигида соғлиқни сақлаш тизимида 285 та ҳолатда 14 миллиард сўм маблағнинг ноқонуний ўзлаштирилиши ва мақсадсиз сарфланиши ҳолатларига йўл қўйилган. Мактабгача таълими вазирлиги тизими ташкилотларида 48,3 миллиард сўмлик молиявий хато ва камчиликларга йўл қўйилган. Мудофаа вазирлиги томонидан 300 дан ортиқ сохта ҳарбий таъиннома берилган. Ўтган икки йилда 371 миллиард сўм бюджет маблағлари талон-торож қилинган. Халқ таълими вазирлиги томонидан 2,8 миллиард сўм мақсадсиз сарфланган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2,6 миллиард сўм ўзлаштирилиб юборилган.

Ўх-ҳў! Шунинг учун ҳам биз коррупцияни қабул қилиш индексида 180 та давлат орасида 158-ўриндамиз-да. Яна ўх-ҳў!

«Ўх-ҳў»ларимиз жудаям кўп. Бизнинг жамият одамлари бешиқдан то қадргача минглаб коррупция ҳолатига дуч келишни ўйлайман. Туғруқхона, боғча, мактаб, олий ўқув юрти, банк, нотариус, касалхона, ФХД, ғўрков ва ҳоказо...

“**Бу бир ривоят. Аммо манба-ларда ҳам қайд этилишича, Исмоил ўта тақводор, пархез-кор, ҳудожўй, ҳалол инсон бўлган. Бунга аҳмад ибн Ҳафс шундай хотирлайди: «Абу Абдуллоҳнинг отаси Исмоил жон бераётганда олдида кирдим. У: «Мол-у давлатим ичига шубҳадан бирор дирхам ёки динор аралашганини билмайман», деди. Шунда ўзимни амалларим кўзимга жуда арзимас бўлиб кўришиб кетдим». Бу сўзлар ривоятга илмий асос. Отаси ўзи ишлайган боғдаги узумни топиб кўрмайдиган даражада ҳалол бўлгани учун ҳам фарзанди буюк олим, муҳаддислар султони бўлиб етишди. Модмики, бу ҳақиқат экан, жамиятда ҳалоллик ва покликни камол топтириш, ривожланган ва адолатли давлат барпо этишда мана шундай шахсиятларга эҳтиёт ҳар дам юқорилигича қолаверади.**

СИНГАПУР ҚАНДАЙ ЮКСАЛГАН?

Қолаверса, коррупциядан холи, замонавий дунё стандартигада давлат ва жамиятни биргина ислоҳотчи инсон ҳам қўра олади. Масалан, 1965-2011 йилларда Сингапурда бош вазир, Оқсоқол (катта) вазир, вазир-устоз бўлиб ишлаган, улкан мамлакатдан ажралиб чиққан қашшоқ, коррупциялашган шахар-давлатни эллик йил ичида ривожланган ва замонавий давлатга айлантирган инсон Ли Куан Ю фикр-мизга исботдир. У бу йиллар ичида тў-

КОРРУПЦИЯНИНГ КАТТА-КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

Ҳаётимда учраган биргина мисолни такрор бўлса ҳам ҳикоя қилай. 2018 йилнинг октябр ойида пойтахтдаги 4-сон шахар клиник шифохонасида фарзандли бўлдик. Бола туғилишдан аввал акушер гинеколог аёл «Келишиб оламизми?» деди. Унга 100 минг сўм «сунончи» бердим. У: «Биринчи болага «ставка» 300 минг сўм, майли, сиз 250 минг бера қолинг!», деди. Бошқа пул бермадим. Бундан кичик бўлса-да коррупция. Болани туғруқхонадан олиб

чиқиб кетишим учун кўнгилли сифатида қон топиришим ёки 40 минг сўм пул беришим кераклигини айтишди. «Мажбурий кўнгилли» бўлиб «Қон препаратлари» деган жойга бориб, 450 грамм қон топширдим. Бу коррупция эмас деб айтинг-чи? Кўлимга қон топиригим туғрисида қоғоз беришди. Уни клиникага олиб бордим. Қоғозни дўхтир менга фарзандим ўша ерда туғилгани ҳақидаги маълумотномага алмаштириб берди. Уни олиб, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома олиш учун Яшнубод тумани ФХДё бўлимига бордим. У ерда мендан гувоҳнома учун кассада «36 минг 500 сўм» олишди. Чек беришмади. Сўраб олдим. Аслида, чекда хизматнинг давлат нархи «30 409 сўм 50 тийин» ёзилган эди. Яъни, бу гувоҳнома ўша йилдаги энг кам иш ҳақининг 15 фоизи миқдорига эканини кейин билдим. Ўшанда кассир қизга: «Бу ерда 30 409 сўм ёзилган, аммо сиз мендан нега 36 500 сўм олдингиз?» деганимда у «30»даги «0»ни «6» эканини исботлашга роса уринганди. Майли, 6 минг сўм арзимас пуллар, аммо бағриб бу коррупция.

МАКТАБ КЎРСА БЎЛАДИ-КУ...

“**Статистика кўмитасининг маълумотларига қўра, 2018 йили Ўзбекистонда 768520 бола туғилган. Тасаввур қилин, уларнинг ҳаммасининг ота-онасидан кассир қизлар тахминан 6000 сўмдан олиб қолган бўлса, бу пул қанча бўлади? Калькуляторни ишга соламан: 4611120000 сўм. Бу оз пулли? Бу пулга битта мактаб курс бўлади-ку! Мисол учун Жондор туманида бу йил фойдаланишича топширилган 2-Болалар-ўсмирлар спорт мактаби маҳаллий бюджет томонидан 4,2 миллиард сўмга қурилган. Чуст тумани «Садача» маҳалласи худудидаги 216 ўринга мўлжалланган 76-умумий ўрта таълим мактаби эса 4 миллиард 500 миллион сўм давлат маблағи эвазига барпо этилган. Майли, ҳар бир туғилган боланинг ота-онасидан 6000 сўмдан йиғиб, йилги биттадан мактаб қурайлик, ўша пулни одамлар рози бўлиб ташлаб кетади.**

Таққослагим келади. Интернет титқилайман. Сингапурликлар фарзандига туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома учун зарур шакллари тўдириб, тегишли органларга электрон почта орқали юбориш орқали олиш экан. Ҳукуматнинг бундай хизматлари Интернет орқали тақдир этиси одатий тарз сифатида қабул қилинади. Қизиги, агар фуқаро ўшбу хизматлари олиш учун муассасага шахсан келса, у ҳолда ўшбу муассасага алоҳида эҳтиётсиз келгани учун унга жарима солинар экан. Бизда эса эндиликда туғилганлик ҳақидаги гувоҳномани давлат хизматлари марказидан олиш мумкин. Нархи базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 фоизи. Яъни бугунги кунда бу 39 370, 5 сўм бўлади.

ИШДАН ҲАЙДАШ БИЛАН ИШ БИТАДИМИ?

2018 йил туғруқ жараёнидаги коррупция занжирини ўғлимга мактуб тарзида фейсбукда «пост» қилиб ёздим. Мақолани мингдан ортиқ киши ўқиб «лайк» босди. Гинеколог аёл ишдан ҳайдалди. Бундан хурсанд бўлмадим, албатта. Чунки бу йўл билан коррупцияга қарши курашиб бўлмасди. Шундан кейин мамлакатда гинекологларнинг «сунончи» олиши камайиб қолди? Албатта, йўқ. 2020 йилнинг 8 октябр куни «Менинг юртим» телеканалининг «Марказий студия» кўрсатуви орқали эфирга узатилган видеотасвир ижтимоий тармоқларда кенг тарқалиб, муҳокама-ларга сабаб бўлди. Унда Фурак тумани туғруқхонасидаги айрим ходимларнинг «сунончи» пули таллашиб жанжаллашгани ақс этган. Орадан бир неча кун ўтгач, ижтимоий тармоқларда туман ҳокими Дилмурод Солиевнинг туғруқхона ходимларига бақириб, «оғиз йиритган» видеоси ҳам тарқалди. 1 ноябрь куни вилот соғлиқни сақлаш бошқармаси ахборот хизмати бу ҳолатга расмий муносабат берди. Унда айтилишича, 2020 йилнинг 20 октябр куни Фурак тумани касоба уюшма кўмитаси раиси бошчилигида ўтказилган йиғилиш қарорига мувофиқ, бирлашманинг буйруғи чиқарилиб, туғруқ бўлимининг

ўрта ва кичик тиббиёт ходимлари ўртасида ротация (ўрин алмаштириш) ўтказилган, туғруқ бўлими бошлиғи билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилиниб, ўрнига янги бўлим бошлиғи тайинланган, туғруқхона хўжалик бекаси бетоблиги сабабли соғлиғи тикланганидан сўн билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш масаласи кўриб чиқиладиган бўлган, туман тиббиёт бирлашмаси бош врачлари ҳам эгаллаб турган лавозимдан озод этилиб, унинг ўрнида янги раҳбар иш бошлаган бўлди, шу билан гўё муаммо «ҳал» бўлди, коррупция «йўқотилди». Уч йил ўқиган ҳамширалар, етти йил ўқиган дўхтирлар қаерга боради энди? Шу ҳақида кимдир ўйлаб ўқрдими? Бу коррупцияга қарши курашишда одилона ечиммикан? Ишдан бўшатилган билан иш битадими?

ДЎХТИРЛАР ҚАЧОН 1000 ДОЛЛАР ОЙЛИК ОЛАДИ?

Икки йил олдин ёзилган мактубда мен дўхтир ва ҳамширалар ойлиғи камлигини улар беморларнинг қўлига қарайдиган бўлиб қолганини ёзгандим. Ҳали ҳам ҳам шу фикрдаман. Оқ халатлиларнинг ойлигини меҳнатига яраша ошириш зарур.

Яқинда оммавий ахборот воситаларида «дўхтирларнинг ойлиғи 1000 доллар бўлармиш» деган гап-сўз тарқалди. Ўқиб-ўқурсам, Президент 2020 йил 20 ноябрь куни пойтахтда ишлайётган тиббиёт ходимлари ва педагоглар билан учрашувда шифокорлар ҳам 1000 доллар миқдорда иш ҳақи олиши кераклигини ақс этган. Орадан бир неча кун ўтгач, ижтимоий тармоқларда туман ҳокими Дилмурод Солиевнинг туғруқхона ходимларига бақириб, «оғиз йиритган» видеоси ҳам тарқалди. 1 ноябрь куни вилот соғлиқни сақлаш бошқармаси ахборот хизмати бу ҳолатга расмий муносабат берди. Унда айтилишича, 2020 йилнинг 20 октябр куни Фурак тумани касоба уюшма кўмитаси раиси бошчилигида ўтказилган йиғилиш қарорига мувофиқ, бирлашманинг буйруғи чиқарилиб, туғруқ бўлимининг

Умуман олганда, мулоҳаза юритганимиз мавзунинг бир жиҳати холос. Билганимиз шуки, бу кетишда ҳалоллик ҳақида эса ҳали яна узоқ гапирамиз, шекилли...

Фозил ФАРҲОД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



Қашқадарё вилояти

Қиш мавсумида содир бўлаётган турли ёнгинларнинг сабаблари ўрганилганда, аксарият ҳолда турар уй-жойларида иситиш печларидан нотўғри фойдаланиш, носоз электр сим тармоқларидан фойдаланишлари оқибатида содир бўлгани маълум бўлмоқда.

ЁНГИНИНГ САБАБИ НИМАДА?

Шу боис, доимий равишда профилактика ишлари олиб борилади. Чунки қиш мавсумида хонадонлардаги ёки муассасалардаги иситиш тизимини тайёрлаш ва қишининг совуқ кунларига уларнинг бенуқсон ишлашини таъминлаш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан бири, десак янглашмаган бўлаемиз.

Ўрни келганда шуни таъкидлаш лозимки, ёнгинлар содир бўлишининг олдини олиш мақсадига ёнгин хавфсизлиги ходимларининг хонадонларга кириб, берган тавсияларига ҳамма вақт ҳам тўлиқ амал қилинмаяпти. Баъзида озгина

этиборсизлик, бефарқлик ёки газдан, электр энергиясидан нотўғри фойдаланиш ёмон оқибатларга олиб келади. Афсуски, бунинг натижасида қанчадан-қанча хонадонларда ёнгинлар содир бўлиб, бундан мулк эгаларига моддий зарар етади.

лик! Оловни «тилсиз ёв», дейдилар. Кўнгилсизликлар содир бўлгач, минг пўшаймон бўлгандан кўра, офатнинг олдини олган мақсадга мувофиқдир.

Бахтиёр Жўраев,
Қарши тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими етакчи инспектори

Янгийўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Абдураҳмонов Абулқосим номига Янгийўл тумани, «Халқобод» ҚФЙ, «Бобур» маҳалласидаги рақамсиз уй учун берилган «Ерга эгаллик қилиш ҳуқуқини бериш гувоҳномаси» йўқолгани сабабли маълум қилинади.

Янгийўл тумани Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Б.Мухамедов номига Янгийўл тумани, «Ниезбош» ҚФЙ, Амир Темур тракти йўли ёқасида жойлашган нотурар биноси учун берилган № 11-15-03-01-01-0307 такрорланмас кодии гувоҳнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Янгийўл туманидаги 17-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2012 йилда Таджиев Эргаш Абдуманноб ўғли номига берилган UN85622316 рақамли шаҳодатнома йўқолгани маълум қилинади.

МУАССИС:

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2030-6009 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахрир ҳайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ (тахрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОВА,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Кутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоҳросим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМУҚЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛИМУРDOV (Баш муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Темир МАМАЖОНОВ (Баш муҳаррир ўринбосари – «Ishonch-Доверие» бўлими),
Меҳриддин ШУКУРОВ (Маъсуля котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК (Маъсуля котиб – «Ishonch-Доверие»)

Баш муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Хуқуқ ва халқроқ ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони ва қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишнигиз мумкин.

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Набатчи муҳаррир:
С. Абдураҳмонов

Мусахҳхлар:
С. Шодиева,
Э. Холмухаммедова

Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдуҷалилов

Босишга топшириш вақти – **21:00**
Топширилиши – **18:50**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма Ғ – **106**.
30254 нусхада босилди.
Навр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-маътаба акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тахририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк кодии: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130